# ХАЛҚ АЗИЗ БИЛСА, БОШИГА КЎТАРАДИ



*БУТУН УМРИМНИ, БУТУН БОРЛИҒИМНИ, КЕРАК БЎЛГАНДА ЖОНИМНИ ҲАМ СИЗЛАРГА, ХАЛҚИМГА БАХШИДА ЭТИШГА ТАЙЁРМАН!*

Ислом КАРИМОВ.

## ТАРИХГА МУҲРЛАНАДИГАН КУН

Аслидаку бой берилаётган ҳар бир лаҳзанинг ўзи биз учун тарих. Лекин, тарихнинг ҳам ўзига яраша эслашга арзийдиган, унутилмайдиган ва ёрқин саҳифалари бўлади.

Инсоннинг атрофида содир бўлаётган сиёсий ва ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳа ўзгаришлари ҳам қайсидир маънода унитилмас бўлиб қолаверади. Чунки ШАХС ўша ўзгаришлар замирида яшайди, меҳнат қилади ва курашади.

Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, эртага бўладиган умумхалқ референдуми ҳам ҳар биримизнинг, ҳаммамизнинг ва давлатимизнинг тарихига муҳрланиб қолади. Референдум ўз мазмуни ва моҳиятига кўра кўпчилик аҳолининг у ёки бу ҳолатга бўлган муносабатларини аниқлаб беради. Мустақил мамлакатимизда бўлиб ўтадиган биринчи референдум ҳам юртдошларимизнинг бугунги кунимизга бўлган қарашларининг ифодаси бўлиб хизмат қилади дейиш мумкин. Истиқлол ҳақида гапириш осон, чиройли сўзлар билан бошқаларнинг диққатини тортиш ҳам унчалик қийин иш эмас. Лекин, кишининг нияти пок бўлмас экан, унинг баландпарвоз гапсўзларига ишониш асло мумкин эмас. Эртага биз биримизнинг ниятларимизни ҳам ошкор этамиз...

Мен қурувчилар вакили сифатида шуни таъкидлашим керакки, мамлакатимизни четдан туриб кузатган одам уни улкан қурилиш майдонига ўхшатади. Шундай бир шароитда гигант корхоналар қуриш, қишлоққа саноатни олиб киришга уриниш, ободонлаштириш учун маблағ топиб сарфлаш осон эмас. Буни биз тушунамиз. Собиқ Иттифоқ мамлакатларининг аксариятида давлат фуқароларининг таъминоти бир четда турсин, ҳатто уларнинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза этишга ҳам ожизлик қилиб турибди...

Мен эртага, 26 март куни бўлиб ўтадиган референдумда Президентимиз Ислом Каримов ваколатини узайтиришга розилик билдириб овоз беришга барча ҳамкасбларимни чақираман. Ана шундагина биз ёш, мустақил мамлакатнинг аҳил фуқароларига хос иш қилган бўламиз.

Эргашали ОТАХОНОВ,
Бағдод туманидаги сув хўжалиги қурилиш-монтаж участкасининг бошлиғи.

## Референдумга тайёргарликнинг сўнгги босқичи

**Суратда: 11-мактабнинг директор ўринбосари А. Эргашев ва С. Рустамова сўнгги юмушлар билан банд.**

Ш. ИБРОҲИМОВ сурати




## ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ УЧУН

Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессияси ва унда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» тўғрисидаги маърузаси мамлакатимизда яшовчи халқлар вакилларининг дилидагиларни ифодалабгина қолмасдан, балки келажаги буюк давлатимиз албатта ҳуқуқий демократик давлат сифатида майдонга чиқишига бўлган ишончни ҳам орттирди.

Жаҳон давлатчилигининг илғор тажрибалари ҳуқуқий демократик ва инсонпарвар давлатни вужудга келтиришнинг бош омили бу мукаммал қонунчилик эканлигини кўрсатиб турибди. Қонун мукаммал ва устивор бўлган жойда адолат тантанаси ҳам, фуқароларни ўзларини ўзлари бошқариши ҳам қарор топади.

Олий Мажлисимизнинг биринчи сессияси шу йилнинг 26 март куни республика Президенти ваколатларини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга доир умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш билан юртбошимиз раҳбарлигида бошланган иқтисодий ислоҳотларни ана шу муддатларда ҳаётга чуқурроқ кириб боришини ва у албатта ўзининг ижобий самараларини беради. Биз прокуратура ходимлари Олий Мажлиснинг ушбу қарорини тарихий зарурат деб ҳисоблаймиз. Референдум мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатига, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар ва истиқбол сари қўйилаётган қадамларимизга, умуман жамиятимизда кечаётган ислоҳотларга фуқароларимизнинг муносабатларини қай даражада эканлигини ҳам аниқлаш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда эртага умумхалқ референдумида биз, қонун ҳимоячилари онгли равишда Президентимиз вакалатларини узайтириш учун овоз берамиз.

М. ТОШТЕМИРОВ,
Республика прокуратурасининг бўлим прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

Карло УНГАРО:

## ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МУҲИМ ТАДБИР

*26 март куни мамлакатимизда президентлик ваколатини 2000 йилгача узайтириш юзасидан умумхалқ Референдуми бўлиб ўтади. Ушбу воқеа халқаро синчилар, мутахассислар, сиёсатчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Мухбиримиз Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карло Унгаро билан шу мавзуда суҳбатлашди.*

— Жаноб элчи, сиз сиёсатчи ва ҳуқуқшунос сифатида республикамиз Олий Мажлисининг биринчи сессиясини кузатиб борган ва ушбу сессиянинг натижалари билан яхши таниш бўлсангиз керак. Ундан олган таассуротларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Менда, аввало Ўзбекистон Парламентининг мамлакат иқтисодий ва сиёсий равнақини янада юксалтириш учун жиддий киришгани катта таассурот қолдирди. Шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлисда қилган маърузаси кейинги пайтдаги энг муҳим ва жиддий маъруза бўлди. Чунки, Президент ўз маърузасида мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг муҳим томонлари ҳақида жуда самимий ва ошкора сўзлади.

— Маълумки, Олий Мажлис Президент ваколатини 2000 йилгача узайтириш борасида умумхалқ Референдумини ўтказишга қарор қилди. Ушбу тадбир ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик?

— Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳукуматингиз халқнинг катта ишончига эга. Шу туфайли ҳам Президентингиз олиб бораётган сиёсат ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Халқ сайлаган Парламентнинг Референдум ўтказиш ҳақидаги киритган таклифи ушбу тадбирнинг қонунийлигини белгилаб беради. Агар масалага ҳуқуқий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, баъзи давлатларда, Президент ва Парламент ваколат муддатлари бир вақтга тўғри келмайди. Бироқ, ўйлашимча, эндигина ўз давлатчилигини барпо этаётган ва ривожланиш йўлига чиқиб олган мамлакат учун мазкур ғоя жуда муҳим ва ўз вақтида туғилган. Чунки Референдум Президент ва Парламент, ҳукумат ва халқнинг саъй-ҳаракатларини умумлаштиришнинг энг мақбул йўлидир.

Мамлакатингиздаги ҳозирги мавжуд шароитдан келиб чиқиб, Президент ваколатини 2000 йилгача узайтириш ҳақида ўтказиладиган Референдум жуда зарур тадбир деб ўйлайман. Референдум мамлакатни ривожлантириш йўлида ҳукуматнинг катта масъулият билан ҳаракат қилишига имкон беради. Бу масъулият, ҳаракат дастури эса Президентнинг Олий Мажлисда сўзлаган маърузасида аниқ белгилаб берилди. Бу — мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда мумкин қадар тезроқ хусусий сектор ҳиссасини кўпайтириш ва бозор иқтисодиётига асосланган бошқа ислоҳотдир.

Мазкур масалага сиёсий томондан қараганимизда эса, Ўзбекистон маҳаллий шароит, миллий анъаналар ва халқ урф-одатларига таянган ҳолда Европа давлатлари андозаларига яқинлашиши керак, деган фикрдаман. Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатни иқтисодий ривожлантириш йўлида белгиланган вазифаларни ҳал қилишга жиддий киришганини намоён этмоқда. Умид қиламизки, ҳукуматингиз ўз тутган йўлини собитқадамлик билан давом эттиради ва ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

— Бир неча йилдирки, сиз юртимизда элчи сифатида фаолият кўрсатмоқдасиз. Табиийки, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни бевосита кузатиб боряпсиз. Ушбу жараённинг боришини қандай баҳолаган бўлардингиз?

— Мен 1992 йилдан буён мамлакатингизда элчи бўлиб фаолият кўрсатяпман. Шу қисқа вақт мобайнида юртингизда ҳақиқатан ҳам катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Тўғри, баъзи қийинчиликлар ҳам мавжуд. Аммо, шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳар қандай мамлакат ривожланган жамият қуриш учун шундай мураккаб йўлни босиб ўтади. Ҳозир ривожланган баъзи бир давлатлардаги шароит ўз вақтида юртингиздаги ҳозирги шароитдан ҳам бир неча баробар қийин ва мураккаб кечган. Образли қилиб айтсак, юксак марраға интилаётган спортчи ҳам бир кунда ўз мақсадига эриша олмайди. У бу йўлда талай тер тўкади, қийинчиликни енгиб ўтади. Мен бу гапларни нафақат элчи сифатида, балки Ўзбекистонга кўнгил қўйиб, шу юртга боғланиб қолган бир инсон сифатида айтмоқдаман.

Саид МУРОД.
(ЎзА).

## ЁШЛАР — ЮРТНИНГ ТАЯНЧИ

*Заминнинг қаърида улкан бир чашма яшарди. У йиллар мобайнида эркинликка чиқиш учун талпинди. Озорлар чекди. Ниҳоят собитлиги ва эрксеварлиги сабаб орзулари рўёбга чиқди. Булоқ кўз очди. Кузнинг илк кунларида мавжларга тўлди.*

***Иқтидорли йигит-қизларга берилаётган имтиёзлар, уларни ижтимоий иқтисодий муҳофаза қилиш ҳукуматимиз томонидан изчил амалга оширилаётир. Бу Олий Мажлиснинг 1 сессиясида ҳам алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг кенгайтирилган II пленумининг бир гуруҳ қатнашчилари билан сессия қарорлари ва унда Президентимизнинг чуқур маъноли маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида суҳбатлашдик.***

### ЯХШИЛИК АЛОМАТИ

*Талъат УСМОНОВ,*
*Ёшлар Иттифоқи, Самарқанд шаҳар қўмитаси биринчи котиби, Олий Мажлис депутати:*

— Фаровон кунларга етишимизга, бозор қийинчиликларидан ўтиб кетишимизга озгина қолди. Энди ҳаётимиз тўкин-сочинлик сари одимлаётгани ҳам яхшилик аломати. Бу руҳни халқнинг кайфиятидан ҳам билса бўлади. Назаримда, ўтган давр мобайнида иқтисодга кўпроқ эътибор бериб, маънавиятни озгина унутгандаймиз. Буни юртбошимиз ўз маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтганлиги ҳам бежиз эмас. Жойларда турли тадбирлар, йиғинлар ўтказаяпмиз.

Боболаримиз Темур, Навоий, Жалолиддин, Беруний бўлган болалардан буюклар чиқиши шубҳасиз. Фақат тўғри таълим-тарбия берилса бас. Улар ота-оналарининг қалб қўрида тарбияланаётган бўлса ажабмас. Бунга мен ишонаман. 26 март куни бўладиган референдумда барча ёшларни юртбошимизни қўллаб овоз беришга чақираман.

### ЁШЛАРИМИЗДА ШИЖОАТ БОР

*Улуғбек МУСАЕВ,*
*Ёшлар Иттифоқи Навоий вилоят қўмитаси биринчи котиби:*

— Кўпгина мамлакатларда уруш-жанжаллар бўлмоқда. Бу ўша юртларда якдил давлатчилик сиёсатининг етишмаслиги сабаб юзага келмоқда. Бундай номутаносиблик, худога шукр, бизнинг юртда йўқ. Чунки давлатчилигимиз халқнинг фикри, маслаҳати билан ривожланмоқда.

Ёшларимиз Президентимизнинг сессиядаги маърузасини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Уни турли йиғинларда муҳокама қилишмоқда. Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган ишончларига муносиб бўлиш учун меҳнат, ижод қилишмоқда. Бу гаплар яқинда бўлиб ўтган пленумимизда ҳам айтилди. Аниқ, амалий ишлар келишиб олинди. Асосийси, ёшларимизда шижоат бор.

Яқинда ўтказилажак референдумда ҳам бу ўз ифодасини топади.

### АСОСИЙСИ — ЯКДИЛЛИК

*Маҳмуд ИСКАНДАРОВ,*
*Ёшлар Иттифоқи Қўшкўпир туман қўмитаси биринчи котиби:*

— Сессиядан кейин ёшларга мурожаат қабул қилдик ва у туман газетасида эълон қилинди. Айни пайтда сессияда кўрилган масалалар ёшлар ўртасида муҳокама қилинмоқда. Зеро, Президентимизнинг сессияда қилган маърузаси ҳар биримиз учун дастуриламал. Унда ўртага ташланган таклифлар, илгари сурилган ғоялар, аниқ йўл-йўриқлар бугунги кунда ўта ҳаётий ва долзарбдир.

Ҳозирги пайтда биз ёшларнинг юрт олдидаги, ҳукуматимиз олдидаги асосий вазифаси: чуқур билим олиш, ғояларга содиқ қолиш, аниқроғи якдиллик. Буни Президентимиз кўп ва хўп такрорладилар. Шундай экан, биз 26 март куни бўладиган референдумда фаол қатнашиб, ғамхўрликка муносиб жавоб беришимиз керак.

### БОҚИМАНДАЛИК — БЕҒАМЛИК

*Дилмурод ЖЎРАЕВ,*
*Ёшлар Иттифоқи Олтиариқ туман қўмитаси биринчи котиби:*

— Шукрлар бўлсинки, бизнинг ҳам ўз талпинган ёрқин манзилимиз, қўрқмасдан одимлай оладиган йўлимиз ҳам бор экан. Бугун ўз йўлимиздан ёрқин манзил сари талпинаётганимиз қутлуғ бўлсин. Энди билсак, йиллар давомида беғамликка ўрганиб қолибмиз. Бугунги кунда бу иллатлар ёшларнинг баъзи бир ташкилотларида яққолроқ кўзга ташланмоқда. Бадал, ўтказилган тадбир кетидан кун кўриш шулар жумласидан. Буларнинг барчаси ташаббуссизликдан, изланиш йўқлигидан келиб чиқмоқда.

Бу иллатларга барҳам бериш вақти келди, деб ўйлайман. Аниқ чора-тадбирлар кўришни кечиктирмаслик керак. Зеро, донишларимиз ҳаракатда баракат, деб бекорга айтишмаган.

### АВВАЛ БАРКАМОЛЛИК...

*Шайдулла НОРАЛИЕВ,*
*Ёшлар Иттифоқи Сурхондарё вилоят ўқувчи-ёшлар бўлимининг йўриқчиси:*

— Вилоятимизда Ёшлар Иттифоқининг 183 минг нафар аъзоси бор. Шундан деярли тенг ярмини ўқувчилар ташкил этади. Улар билан ишлаш бир тарафлама машаққатли, бир тарафлама завқли. Машаққатли томони шундаки, улар ҳали кўп нарсани тушунмайди. Айниқса, йигитлар. Биз мана шу ҳолнинг олдини олиш учун асосий эътиборни ўқувчи-ёшларнинг баркамол ва матонатли бўлишларига қаратганмиз. Бу борада ҳар бир мактабда спорт ва ҳарбий машқларни ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

***Уларнинг орзулари битта. Ўзбекистоннинг келажагини буюк кўриш. Элим деб, юртим деб ёниб яшаш.***

Суҳбатдош
Тўлқин РЎЗИЕВ,
«Туркистон» мухбири.

## ПОРЛОҚ ТОНГ УЧУН

Мамлакатимиз ҳаётида янги-янги ўзгаришлар бўлмоқда. Ислоҳотлар чуқурлашяпти, осойишталик, тинчлик барқарор, ҳамкорлик ҳукм суриб, кўзлаган манзилимизга эсон-омон етишимизга бизда ишонч туғдираётир. Бу ислоҳотларни тадбиркорлик билан, оқиллик билан рўёбга чиқиши учун жон куйдираётган Президентимизнинг хизматлари кўп ва беқиёс. Юртимиз аҳли буни кўриб, билиб, гувоҳи бўлиб турибди. Янги сайланган парламентимиз ташаббуси билан бўлажак референдумда ҳеч иккиланмай ислоҳотлар йўлининг порлоқ тонги учун, Президентимизнинг ваколатини 2000 йилгача узайтириш учун юракдан овоз бераман. Ахир, бу кун, яъни 26 март унутилмас тарихий демократия намоёни бўлиб қолади.

Ғофур БОБОШОВ,
Сирдарё шаҳри.

## УСТОЗЛАР ВА ШОГИРДЛАР ЯКДИЛ

Тошкент вилоятидаги педагогика билим юртида устозлар ва шогирдлар иштирокида умумий мажлис бўлди. Унинг иштирокчилари республикамиз Олий Мажлисининг дастлабки анжумани таассуротларини сўзладилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Билим юрти раҳбари Собир Зиёев юртбошимизнинг фаолиятлари, мамлакатимизни дунёга танитиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, осойишталик, тинчлик ва ҳамкорлик йўлидаги хизматлари, тараққиётга етаклайдиган ички ҳамда ташқи сиёсат ҳақида сўзлаб берди.

Йиғин қатнашчилари Олий Мажлиснинг илк анжумани Президентимиз ваколатини 2000 йилгача узайтириш тўғрисида қабул қилган қарорни қўллаб-қувватлашларини ҳамда 26 март куни ушбу қутлуғ референдумда якдил бўлишларини изҳор қилдилар.

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА,
ТошВПБЮ Ёшлар қўмитаси котиби.

## НУРЛИ КУНЛАР БЎСАҒАСИДА

(Боши 1 бетда.)

Юзаки қараганда, бу фикрда ҳам жон бордай туюлади. Лекин масалага теранроқ ёндошилса, сал ўзгача хулоса келиб чиқади. Тожикистонда менинг бир шоир дўстим яшайди. Турли тижорат ишлари билан Тошкентга ҳам келиб-кетиб туради. Ҳар келганда ҳаёт, иқтисод, сиёсат, адабиёт муаммолари ҳақида узоқ баҳслашамиз. Бир куни келганда ундан даб-дурустдан сўрадим:

— Оғайни, бу Тожикистонда бўлиб ўтган уруш-жанжал, тўс-тўполонларнинг илдизи, моҳияти нимада ўзи?

— Соддасиз-да, дўстим, — деди у истеҳзо аралаш. — Гапнинг лўндасини айтсам, уч-тўрт пулдор, ашаддий амалпараст шахс ҳокимият талашиш билан банд бўлди, уларнинг ортида бутун халқ овораи сарсон бўлиб, ака-ука, қариндош-уруғ, эл бири-бирининг қонини тўкди. Минглаб ватандошларимиз қурбон бўлиб кетди. Албатта, бу амалпарастлардан ҳар бирининг ортида юртимизнинг улкан моддий бойликлари, халқимизнинг тараф-тараф бўлиб парчаланиб кетишидан манфаатдор катта хорижий кучлар турганини биз, хом сут эмган бандалар ўша кезларда яхши билмас эканмиз-да. Эндиликда, мамлакатимизда қонуний ҳукумат қарор топган бўлишига қарамай, ўша ёвуз ғаламуслар ҳалиҳануз ўз чиркин ниятларидан воз кечганларича йўқ. Бу тарафкашликларнинг акс-садоси ҳали ҳам давом этаётганини эндиликда бутун дунё кўриб-билиб турибди.

Яқинда Навоий шаҳрида бухоролик бир профессор дўстимиз билан кўришиб қолдик. У бир ҳафта олдин Тожикистонга бориб келган экан. «Қардош юртда ҳалиям вазият мураккаб, — деди у. — Ҳалиям кечалари ўқ овозлари эшитилиб туради. Одамлар кечқурунлари қарийб кўчага чиқмай қўйишибди. Ҳадеб қон тўкилишидан безиб қолган одамлар нуқул Ўзбекистондаги осойишталик, хотиржамлик, иқтисодий барқарорликни мақтаб гапиришади. Юртбошимизга инсонпарварлик ёрдами учун чексиз ташаккурлар изҳор қилишади.

Бухоролик дўстимнинг ушбу дил сўзларини эшитганимдан сўнг беихтиёр ўйга толдим. Маълумки, улуғ бобомиз Амир Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятсизлик айни авжига чиққан паллада тарих майдонига чиққан эди. Бундай вазият амир Қозоғонхоннинг ўлимидан кейин юзага келганди. Инсон ҳаёти ҳамиша турфа-туман шарт-шароитлар тақозоси ила кечади ва уларнинг айримлари, юзаки қараганда, ҳеч кимга даҳлдор эмасдай туюлади. Айтайлик, қаердадир овда ёвуз ният билан ҳукмдорни ўлдириб кетишганининг шоликор, чўпон, кулол ёки этикдўзга нима даҳли бор? Ахир, бу воқеа улардан жуда олисда юз берган ва уларнинг иши эмас бу.

Аммо ғалаёнлар бошланиши билан оқ шоликор ва чўпон ҳам, кулол ва тикувчи ҳам амир Қозоғон даврида яхши яшашганини англаб етишди. Нон билан гўшт деҳқонга ҳам, чўпонга ҳам, қўшинларию амалдорлари билан бирга амирга ҳам етиб ортарди.

Ғалаён ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборганди. Мовароуннаҳр ҳукмдорининг тахти учун янада шиддатлироқ, янада қонлироқ кураш бошланганди. Бу кураш тўрига илинмаган одам қолмаганди ҳисоб. Ҳарбий юришлар олдидан халқнинг дилига ғулғула солиб, ҳали у ер ва ҳали бу ерда гала-гала жангчилар тўпланишар эди. Оқибатда деҳқон экин экиш ва ҳосил йиғишни, чўпон эса қўйларни боқишни истамай қўйди. Ҳар бир амир уларни ўзига, ўз қўшинлари сафига тортар, ҳар бир амир ҳеч қандай ҳисоб-китобсиз дон ва молини талон-тарож қилиб кетар эди. Тинч ҳаёт тугаганди. Қозоғон даврида, қаттиққўл ҳокимият тасарруфида қандай бахтли яшашган экан, ахир!

Шу маънода жумҳуриятимизда олиб борилаётган сиёсат ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга арзийди. Референдум ҳам жуда вақтида ўтказилаяпти, деб ўйлайман.

## ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ УЧУН

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг асосий вазифалари ва Олий Мажлис қабул қилган қарорлар ҳақида мамлакатимиз Олий суди жамоасининг ҳам умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан нотиқлар ва йиғилиш қатнашчилари Олий Мажлиснинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича 1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш» юзасидан қабул қилинган қарорини тўла қўллаб-қувватладилар. Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизда қонунчиликни рўёбга чиқариш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари беқиёс аҳамият касб этаётганлигини барча эътироф этди.

## АЙНИ МУДДАОМИЗ

Президентимиз Ислом Каримов «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» дея бежиз таъкидлаганлари йўқ, зеро келгуси авлод шу юртнинг ҳақиқий эгаси бўлишлари учун юксак билимли, ҳунарли, зукко авлодни тарбиялаш керак. Яъни, улар ҳар томонлама баркамол, соғлом ўсишлари учун юртбошимиз ҳозирданоқ қайғурмоқдалар. Айниқса, кейинги икки йил ичида туғруқхоналар, шифохоналар фаолиятида, дори-дармонлар таъминотида ижобий томонга кескин ўзгаришлар рўй берди. Дорихоналарнинг бўшаб қолган пештахталари сифатли, хилма-хил, энг зарур тиббиёт ашёлари, дорилар билан тўлдирилди.

Бу ишларнинг барчаси Президентимиз соғлом авлод камолоти йўлида жон куйдираётганликларидан далолат, бу соҳада ижобий силжишлар рўй беришлигини англатади. Шунинг учун 26 март куни Президентимиз Ислом Каримовнинг ваколатини икки мингтинчи йилгача узайтиришни ёқлаб овоз бераман. Зеро, бу айни муддаомиз. Биз соғлом авлод учун, унинг камоли, буюк келажаги учун заҳмат чекишга, яъни халқимиз соғлиғи йўлида сабот билан курашга тайёрмиз.

Мелихўроз САЪДИНОВ,
Самарқанд шаҳридаги 1-сонли республика клиник шифохонаси врачи.



## *Жиззах вилоятида «Туркистон» кунлари I.Зафаробод*




# «ЧАППАР УРИБ ГУЛЛАГАН БОҒИН...»

***Аввал хабар қилганимиздек, ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг бир гуруҳ ходимлари «Туркистон» газетаси ижодий жамоаси, ҳамда элнинг бир қатор ардоқли шоиру ёзувчилари ва санъаткорлари Наврўзи олам — йилбоши тўйини Жиззах вилояти меҳнаткашлари билан ўтказдилар. Ушбу саҳифамиздан жой олган сурат ва мақолалар сиз, азиз муштарийларимизни сертаассурот ва мароқли учрашувларимиз билан таништиради.***



Биз сарлавҳа учун танлаган сатрни ўзбекман деган борки, ёддан билади. Зафарободдаги илк учрашувимизда бу шеърнинг ўқилиши замирида ҳам олам-олам маъно бор эди. Биринчидан, ҳаммамизга маълумки, Наврўз — янгиланиш ва яшариш байрами. Шунингдек, бу кунда гина-кудуратлар унутилади. Марҳумлар ёдга олинади. Уларнинг руҳи поклари улуғланади. Зеро, Жиззах юртимизга Ҳамид Олимжондек шоири давронни, Шароф Рашидовдек ёзувчи ва давлат арбобини, Исфандиёрдек катта рассомни ва яна қанча-қанчалаб улуғларни етказиб берган ажойиб диёрдир.

Қолаверса, биз чаппар уриб гуллаётган Ватан боғларининг бирига,бир эмас, икки эмас, уч байрам — қўшалоқ тўйлар устига борган эдик. Сўзимизнинг исботи сифатида туман ҳокими Собиржон Абдусатторовнинг тантаналар очилиши пайтида айтганларидан мисол келтирамиз:

— Бугун зафарободликларга байрам устига байрам бўлмоқда. Ушбу тантаналар ва ҳаммамизнинг бу ерга йиғилишимизнинг асосий ва биринчи сабаби — туманимизнинг ҳосил тўйидир, — деди у, жумладан. — Биз 1994 йилда 1993 йилдагига нисбатан уч баравар кўп, яъни I миллион 713 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирдик. Агар мақтанишга йўйилмаса, айтиб ўтиш мумкинки, бу ўтиш даври учун ҳазилакам кўрсаткич эмас. Боз устига, ҳукуматимизнинг етиштирилган пахта толасининг катта қисмини сотиш учун хўжаликлар ихтиёрига бергани зўр иш бўлди. Тўкинлик бор жойда эса байрам ҳам тантанавор ўтади.



Йиғиндаги илк табрик сўзи Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котиби Боймурод Юсуповга берилди. Ундан сўнг йиғилганларни қўшалоқ байрам билан «Туркистон» газетаси бош муҳаррири, ёзувчи Ғаффор Ҳотамов қутлади.

Ярим соатлик табригу қутловлардан сўнг байрам бошланиб кетди. Катта даланинг гир атрофига тумандаги ҳар бир хўжалик, идора ва ташкилотлар ўз меҳнаткашлари учун дастурхон ёзган. Дастурхонларда эртакларда айтилганидек, қушнинг сутидан бошқа ҳамма нарса бор. Баҳорнинг илк неъмати кўк сомса, ялпиз чучвара дейсизми, биз номини билган, билмаган ўнлаб қадимий миллий таомлар, дейсизми, Наврўзнинг тансиқ неъмати — сумалак дейсизми, хуллас, ҳамма-ҳамма нарса муҳайё. Биз нега бу гапларни ёзаяпмиз. Чунки, бу мисоллар элимиздаги тўқчиликдан, тўкинчиликдан, тинчликдан нишонадир. Зотан, ҳоким ҳам ўз сўзида таъкидлагандек, юрт тинч бўлмаса, байрамлар бўлмайди. Юрт тўқ бўлмаса, дастурхон тўкин бўлмайди. Булар ҳаммаси мустақил диёримизнинг порлоқ келажак сари дадил одимлар билан кетаётганидандир.

Даланинг ҳар бурчида эса, турли миллий ўйинлар авж олган. Бир томонда қўчқор уриштириш ишқибозлари, иккинчи томонда хўроз уриштирувчилар. Яна бир томонда полвонлар бел олишаётган бўлсалар, бошқасида куй қўшиққа уланарди. Момолар келинчакларни қизғалдоқдай ясантириб, салом солдираётган чоғда уларга ҳавасманд бўй етган қизларнинг кўзларидаги ёлқинларни бир кўрсангиз эди... Қай тўдада арқон тортишу қай тўдада лапар айтиш.

Зафарободлик чўлқуварлар кўпмиллатли оилани ташкил этадилар. Бир томонда ўзбек хонандалари хониш қилиб турган бўлса, иккинчи томонда қозоқ биродарларимиз куйлашаётир. Эътиборимизни халқ энг кўп йиғилган нуқта ўзига тортди. Бордик. Кўпкари авжида экан. Кўпкари ҳалолликни, мардликни ёқтиради. Бу чортоқда ўйинга ҳакамлик қилаётган оқсоқолларнинг ҳайқириғидан, чавандозларнинг ҳалолликка ундаб айтаётган сўзларидан ҳам маълум эди. Чавандозларга солим устига солим берилаётганди. Лекин бир нарса кўзга яққол ташланиб турган эдики, ҳақиқий чавандоз ҳеч қачон солим учун от минмайди. Ҳақиқий чавандознинг мақсади — ўз маҳоратини, отининг кучини намойиш қилиш халос. Биз биргина ўйинни томоша қилиб қолсак, бошқалар билан диллаша олмай қолишимиз маълум эди. Шунинг учун чорночор кўпкарини тарк этдик. Майдонни айландик. Томошабинларнинг кўнглига қўл солиб кўрдик. Биринчи суҳбатдошимиз Охунбобоев ижара ширкатлар бирлашмаси раиси Анвар Маматқулов бўлди. У кишидан ҳол аҳвол сўраб, ишларини суриштирдик.

— Ишларимиз яхши, — деди у ғururини яширолмай. — Ўтган йили режа бўйича 5 минг 170 тонна пахта топширишимиз к ерак эди. Биз 5 минг 266 тонна пахта топширдик. Бошқа соҳаларда ҳам ютуқларимиз чакки эмас. Деҳқонларимиз ўтган йилдан 15 миллион сўм соф даромад билан чиқишди. Бунда Равшан Нормуродов, Бахтиёр Турсуновлар етакчилик қилаётган бригада аъзоларининг, шунингдек, Акбар Аргабоев, Абдужаббор Ҳайдаров каби механизаторларимизнинг, Улфат Мирзаҳошимова каби фаолларимизнинг хизматлари катта бўлди. Биласизларми, йилнинг илк кунини қай кайфиятда бошласангиз уни шу кайфиятда тугатар экансиз. Кўриб турганингиздек, бу йилни жуда ҳам яхши кайфиятда бошлаяпмиз. Ўйлаймизки, якун ҳам шунга яраша бўлади.

Байрам ўз номи билан байрам-да. Шу куни қаерга бормайлик, ҳамма ўз ютуқлари билан ўртоқлашишни истаётганини сездик. Ишлашни билган одам дам олишни ҳам, мақтанишни ҳам билиши керак. Ҳамид Олимжон номидаги ижара ширкатлар бирлашмасида бўлганимизда ҳам бунинг гувоҳи бўлдик. Хўжалик раиси Абдурашид Абдукаримов ёш бўлишига қарамай, кўпчиликнинг кўнглига йўл топа биладиган, ҳақиқий ишбилармон, тадбиркор раҳбарлардан экан. Унинг учун инсон омили ҳамиша биринчи ўринда. Биз бу гапларни осмондан олиб ёзаётганимиз йўқ. Буни хўжалик бош ҳисобчиси Раҳмон Жўрабоев ва бошқа жамоа аъзоларининг самимий сўзларидан билиб олдик.

— Хўжалигимиз бир неча йилдан бери барча соҳадаги режаларни уддалаш бобида илғорликни қўлдан бермай келаётир. Лекин мен эътиборларингизни бошқа мавзуга қаратмоқчиман, — дейди Раҳмон ака. — Яхши ишлаган одам яхши яшаши, яхши дам олиши ҳам керак. Айниқса, бугунги ўтиш даврида одамлар меҳрга, эътиборга алоҳида эҳтиёж сезадилар. Шу боис хўжалигимиз аъзолари учун иш ҳақи ҳисобидан тақчил озиқ овқат маҳсулотлари таъминотини йўлга қўйдик. Тўй-маъракаларга зарур бўлган маҳсулотларни ҳам ҳамиша заҳирада сақлаймиз. Бундан ташқари меҳнаткашларимизни маънавий тақдирлаш ҳам назаримиздан четда қолаётгани йўқ. Яқинда уруш ва меҳнат фахрийлари, оқсоқолларимизнинг бир гуруҳи Термиз, Бухоро, Шаҳрисабз каби кўҳна шаҳарларда бўлишиб, табаррук қадамжоларимизни зиёрат этиб қайтишди. Мактабларимизда таълим олаётган 50 нафар аълочи ўқувчиларимиз ҳам ана шундай саёҳатда бўлишди. Хуллас, ҳаётдан нолийдиган жойимиз йўқ.

Биз улар билан хайрлашиб дала ўртасига ўрнатилган асосий саҳнага яқинлашдик. Саҳнага ҳамроҳларимиз — Тошкентлик меҳмонлар «эгалик» қилишаётган экан. Элимизнинг севимли шоирлари Нормурод Нарзуллаев, Йўлдош Эшбек, Миразиз Аъзам ва Абдулла Турдиевларнинг Ватанга муҳаббат, ерга садоқат, марҳумлар руҳига иззат ва қадриятларни ардоқлаш мавзуларидаги жўшқин шеърлари даврадагиларнинг юрагини сел қилди. «Зарафшон» ансамбли хонандалари Замира Номозова ва Рустам Абдуллаевларнинг қўшиқлари дилларга ором бағишлаган бўлса, Аброр Ҳидоятов номли ўзбек Давлат театри актрисаси Дилбар Қосимованинг доирада ижро этган шўх-шан қўшиқлари ҳаммани рақсга чорлади. Ўз вақтида саҳнага чиққан Шерали Ҳожиев бошлиқ «Мутти» театри ижодкорларининг турли интермедия-ю, ичакузди ҳангомалари байрам кайфиятини янада кўтариб юборди. Тўпланганлар, айниқса, «Сирли олам» журнали ва «Қалб кўзи» газетаси бош муҳаррири, ёзувчи Ҳожакбар Шайховга кўплаб саволлар беришди.

Ўша куни эртадан кечгача эзиб-эзиб ёмғир ёғди. Лекин далани тарк этиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Биз даврадан-даврага ўтиб, одамларни сўроққа тутаётган ҳамроҳимиз — Ўзбекистон радиоси муҳаррири Наврўз Ризаевни суҳбатга тортдик.

— Ҳали ёшман, кўп байрамларни кўрганман, деб мақтана олмайман. Кўрмаганман десам ҳам хато бўлади. Гуржистонда ўқиб юрган кезларимда ҳам ўша ерлик халқларнинг миллий байрамларига гувоҳ бўлганман. Бироқ уларнинг ҳеч бири бизнинг Наврўзи оламимизга тенг келмайди. Тўғрироғи, ҳеч қаерда байрам биздагичалик меҳр-муҳаббат ва катта иштиёқ билан нишонланмайди.

Мана бугунги қўшалоқ байрам — туманнинг ҳосил байрами, Наврўзи олам ва «Туркистон» газетаси кунларини том маънода ёшлар байрами деса арзийди. Мен бугун зафарободликларнинг кўзларида севинч кўрдим, шеъриятга, санъатга ошуфталикни ҳис этдим.

Наврўз навбатдаги суҳбатдошлари билан мулоқотга киришгач, биз яна давра айландик. Бизга ҳамроҳлик қилаётган Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби Алишер Ҳайдаров ва Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг биринчи котиби Баҳодир Ҳайитовлар билан фикр алмашар эканмиз, уларнинг ўтаётган байрамдан хурсандликлари, шодиёналар улар кутгандан ҳам яхшироқ бўлаётганини англадик.

Ўша куни кечга қадар кўпкари тугамади, куй-қўшиқ шеърхонликка якун бўлмади. Лекин бизни яна бир туманда кутишаётган эдилар. Зафарободликлар билан хайрлашиб «Дўстлик» туманига йўл олдик. Бу ҳақда сиз, азиз муштарийларимизни газетамизнинг кейинги сонида таништирамиз, албатта.

Ислом ҲАМРО,
Сирожиддин РАУФ,
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ,
Муҳаммад АМИН
(суратлар),
«Туркистон» мухбирлари.



Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ:
### ЁШЛАРНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Яшириб нима қилдим. «Туркистон»ниям, «Туркистон»чиларнинг байраминиям бирдек яхши кўраман. Шу боис томошаларга таклиф қилинсам, уларда иштирок этиш учун баҳоли қудрат имкон қидираман. Ҳар сафар ёшлар билан бўлган очиқ мулоқотдан ўзимга туганмас илҳом ва янгидан-янги мавзулар олиб қайтаман.







Замира НОМОЗОВА:
### РУҲИМ ЕНГИЛ ТОРТДИ

Ўша куни сим-сим ёмғир ёғди. Кўнглимдан: «томошага ҳеч ким келмаса-я», деган бир хавотир кечганлиги рост. Кенг бедазорда ҳозирланган саҳна атрофидаги тумонат одамни кўриб, руҳим енгил тортди. Санъат, шеърият деса ёмғирку-ёмғир, қор-бўронларни ҳам писанд қилмайдиган ажойиб халқимиз борда. Улар учун ҳар қанча куйласанг, хизмат қилсанг оз...



Андрей АНИКИН:
### «МУСТАҲЗОД»НИ КУЙЛАШ — БАХТ

Эстрада қўшиқчиларининг «Анор» телетанлови ғолиби бўлганман. Буни мақтаниш учун айтаяпти деб ўйламанглар тағин. Шунча кўп томошабин ҳузурида тўғридан-тўғри қўшиқ айтиш масъулияти, қувончи бошқача бўлишини эътироф этмоқчиман, холос.

«Туркистон» газетаси кунлари ҳақида аввалари бир-икки эшитганман. Аммо бу байрам ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга эмасдим. Не бахтки, бугун мен ҳам унинг бир иштирокчиси бўлиб турибман. Бу кун хотирамда абадий муҳрланиб қолади. Ҳеч қачон «Мустаҳзод»ни бунчалик мароқ билан куйламаган эдим. Томошабинлар уни қандай қабул қилишди, билмадиму, аммо ўзим бу қадим қўшиқ қанотида жуда баландларга парвоз қилдим.







*Санъат сурури*

# ИСТЕЪДОДНИНГ ҚЎША ҚИРРАСИ

Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театри актрисаси Дилбар Қосимованинг ўзига хос ижод йўли бор. Бу ҳақда Дилбар опанинг ўзи ярим ҳазил, ярим чин қилиб: «Театрда туғилиб, театрда ўсганман. Менинг ёшим ва ижодий фаолиятим ўртасида деярли фарқ йўқ», дейдилар.

Бу сўзларнинг изоҳи қуйидагича. Таниқли саънаткорлар Олим Қосимов ва Мукаррама Азизовалар оилага янги меҳмон — фарзанд кутаётган ширин дамлар эди. Олим ака саҳналаштирган «Тор-мор» спектаклида Дилбар ролини М. Азизова ижро этарди. Тасодифни қарангки, ой-куни яқин бўлишига карамай, Мукаррама опа шу куни ҳам саҳнага чиқади. Томоша охирига етмай, дард тутиб, ўша ернинг ўзида бир қизалоқ дунёга келади. Спектаклга ташриф буюрган асар муаллифи Комил Яшин қизалоққа онасининг қаҳрамони номи Дилбар исмини қўйишни таклиф қиладилар.

Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Бугун Дилбар опанинг ўз роллари, ўз мухлислари бор. «Баланд дорга осилма»да Кимё хола, «Фақат ақл сотилмайди»да Сойка хоним, «Паранжи сирлари»да Ҳожар хола, «Отасининг қизи»да бир йўла икки образ, «Майсаранинг иши»да Майсарабону каби роллари билан томошабинлар қалбига йўл топиб, уларнинг олқишига сазовор бўлди. Вақтида Лутфихон ая Саримсоқованинг назарига тушиб, «Онасининг боласи-да» деган мақтов сўзларини эшитди.

Биз бугун буларни нима учун эслаяпмиз? Зафарободдаги байрамимизга Дилбар Қосимова ҳам ташриф буюрган эдилар. Томошабинлар суюкли санъаткорни хушнудлик билан кутиб олишди. Саҳнага кўтарилган опа бирорта спектаклдан парча ўқиб берса керак, деб тахмин қилган эди кўпчилик. Йўқ, унақа бўлмади. Дилбар опа қўлларига доирани олиб... Шу ўринда лирик чекиниш.

Аллақайси бир эртакда сеҳрли най ҳақида гап боради. Эмишки, най чалинса, атрофда ким ёки нима бўлмасин, барчаси беихтиёр бирдек рақс тушиб кетаркан. Най соҳиби эса пайтдан фойдаланиб, ўз муроду мақсадига етаркан.

Ҳурматли муштарий: «Билдик, томошабинлар, катта-ю кичик ўйинга тушиб кетган бўлса, доира сеҳрли экан-да», демоқчи бўлсангиз янглишасиз. Доира эмас, Дилбар опанинг қўллари, ширали овози сеҳрли экан. Бунга шу куни тантанада иштирок этган барча мухлислар, меҳмонлар гувоҳ бўлишди.



# 25 устун

*Янгилик*

## ҲАВО ЙЎЛИ ОЧИЛДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент — Амстердам, Амстердам — Тошкент йўналиши бўйича доимий авиақатновни йўлга қўйди. Ўзбекистон байроғи рамзи туширилган замонавий «А-310» самолёти илк бор Амстердам сари учди. Тошкент аэропортидан кўтарилган самолёт Франкфурт шаҳри орқали Голландиянинг Амстердам шаҳрининг «Шипхол» аэропортига қўнди.

*Мана шунақа гаплар*

## ЯНА ДИНОЗАВРЛАР ҲАҚИДА

Хитой олимлари 65 миллион йил бурун нобуд бўлган динозаврнинг тошга айланган тухумидан наслий қисмини ажратиб олишга муваффақ бўлишди. Хитой олимларининг эътироф этишича,биринчи марта амалга оширилган, ушбу тажриба динозаврлар ва уларнинг яшаш жойларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга экан.

## ЧАККИ ЭМАС

Ҳиндистоннинг валюта заҳираси миқдори 19 миллиард АҚШ долларига етди. Мамлакат мустақилликни қўлга киритганидан буён биринчи марта бундай юқори кўрсаткичга эришган.

## ХОРИЖИЙ ПАСПОРТ ЯНГИЛАНАДИ

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб Грузияда хорижга чиқадиган республика фуқаролари учун бериладиган паспорт янгиланадиган бўлди. Ҳозирча Францияда тайёрланаётган ана шундай ҳужжатларнинг бир қисми Тбилисига келтирилди.

Маълум бўлишича шу пайтгача амалда бўлган собиқ Иттифоқ паспортидан ноқонуний фойдаланиш ҳоллари кўп учраган экан.

*Келинг, бир кулишайлик*

Бир киши расмчининг олдига бориб:

— Тез сувратимни ол! — дебдида фотоаппаратга орқасини қилиб турипти.

— Нега тескари турибсиз?

— Расмни аразлашиб қолган ошнамга юбораман, — деган экан.



НАВРЎЗ НАШИДАСИ

Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) сурати.

*Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан*

# ЎЛИМНИ ДОҒДА ҚОЛДИРГАН ЎҒЛОН

Абдупатто Пўлатов келбати келишган, қирчиллама йигит пайтида 17 ёшга тўлиб-тўлмаёқ ҳарбий хизматга чақирилганди. Орадан икки-уч ой ўтмаёқ немис фашистлари иккинчи жаҳон урушини бошладилар.

Оддий солдат кичик командирлик курсини битириб, ефрейторлик унвони билан урушга кирди. Олдин бўлинмага, кейин бўлимга командирлик қилди.

— Тил келтириши керак, душманнинг мўлжалини аниқлаш зарурати туғилди. Пўлатов икки шерикни ол-да, немис томон шошил, — Беляевнинг буйруғи янгради.

— Хўп бўлади, ўртоқ командир.

Курск тунидек даҳшатли тун ҳеч қаерда бўлмаса керак. Чиябўриларнинг улиши ҳам, тимқоронғиликдаги даҳшат ҳам ортда қолди. Блиндаждан унча узоқда бўлмаган фашист қоровули қўлга олинди. Оғзига латта тиқилди, қўли боғланди, уни автоматнинг қўндоғи билан тўрта-тўрта ўзимизникилар олдига олиб келинди.

Аниқланишича, ўша куни тонгда немис армияси катта ҳужумга ўтиши мўлжалланган экан. Худди шундай бўлди. Қирқ чоғли йигитларни ҳужумга бошлаган Абдупатто Курск шаҳрининг четида фашистлар тўдаси рўпарасидан чиқиб қолди, кейин элас-элас эслайди, шундоқ олдида бомба портлади...

Уч ой контузиядан кейин яна жангга кирди. Бу сафар Калининградда, Одерда кечиб ўтишда фаол қатнашди. «Тил»ни келтиришдаги жасорати учун орден билан тақдирланган бўлса, Одерда ўн икки немисни ер тишлатиб, шерикларига йўл очиб бергани, шу кундаги жангдаги алоҳида хизмати учун қўмондонликнинг ташаккурномасини олишга муяссар бўлди. Аммо, эртасига... 22 август куни олти соат тинимсиз давом этган жангдан Абдупаттони шериклари замбарда ярадор ҳолда олиб чиқдилар.

Биринчи Белоруссия фронти жангчилари ҳамон унинг қаҳрамонлигини эслаб юришарди. Пётр Семёновнинг хотираси:

— Ўзбек йигитларининг жангдаги лочинлиги, ҳеч нарсадан қўрқмаслигини, эпчиллиги, якка-якка олишувдаги мардлиги мени доимо лол этарди. Абдупатто Пўлатов қўлимда бўлим командири эди, унинг қаҳрамонлиги ҳамма-ҳаммага ибрат бўлгуси эди, биз у билан тез-тез учрашиб, уруш эсдаликларини ёдлаб турамиз. Ёши етмишдан ошган бўлсада, ҳамон йигитлардек қадамлари дадил.

У Украина, Сталинград, Курскда бўлди, урушнинг сўнгги дамларида Берлинда олти ой турди, фашистларни таг-томири билан қулатишга катта ҳисса қўшди. Германиядан 1946 йилдагина Горький шаҳрига жўнатилди. Германияда эканлигида, 1945 йилнинг августида қўмондон А. Жуковнинг қўлидан Қизил Юлдуз орденини олди. Кўксидаги 15 та орден ва медаль ёнига қўшилган 22 та бошқа рағбатлар эса тинч қурилиш йилларидаги кичик лейтенантнинг жасоратларидан далолат беради.

Изланувчан, билимдон, камтар, камсуқум Абдупатто Пўлатов узоқ йиллар Наманган тумани матлубот жамиятида партия қўмитаси саркотиби, бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлади. 1947-77 йиллар мобайнида ёшлар тарбиясига катта эътибор билан қаради. Наманган шаҳридаги Охунбобоев номли маҳалла фаоли сифатида тарбиявий тадбирларда фаоллик намунасини кўрсатди.

Абдупатто ака ҳозир 75 баҳорини нишонлаган. Уч ўғил ва бир қизи — Абдуғаффор, Абдусаттор, Ҳамидхон, Марҳаматлар эл-юрт ишига камарбаста, фидойи ва ота-онасига садоқатли фарзандлар бўлиб ўсди, улғайди.

Қадрли ҳамшаҳарларим, агар йўлингиз Марғилон кўчасига тушиб қолса, 150-уйнинг олдидан бир ўтинг! Абдупатто акани қувноқ ҳолда учратасиз, Ажабланманг, у киши шундай қувноқ, Оллоҳга шукрона келтириб, мустақил Ўзбекистон халқи эришаётган зафарлардан мамнун ҳолда, набираларини ўйнатиб, эркалатиб ўтирганларини кўрасиз. Мана шундай ҳаёт ҳаммага ҳам насиб этсин!..

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.
«Наманган садоси» газетаси бош муҳаррири.

*Қанотли хабар*

# «ОЛТИН ВОДИЙ»ДА УЧРАШУВ

Шу кунларда республикамиз бўйлаб баҳор нафаси кезмоқда. Меҳнаткаш халқимиз қатор-қатор байрамларни кутиб олиш арафасида. Улардан энг улуғи Буюк Ғалабанинг 50 йиллигидир. Куни кеча Андижон вилояти Ёшлар Иттифоқи қўмитасида ана шу санага бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда турмуш ўртоқлари урушда вафот этган, бедарак йўқолган, ҳамон уларни интиқлик билан кутаётган садоқатли аёллар, урушда эркаклар билан ёнма-ён жанг қилган оналар ҳамда бугунги куннинг фаол ёшлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

«Олтин водий» қаҳвахонасидаги бир пиёла чой устида бўлиб ўтган ушбу йиғинда уруш ва меҳнат фахрийлари Зоя Орлова, урушга концерт бригадаси билан бориб жангоҳларда ўз санъати билан Ғалабага муносиб улуш қўшган онахонимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шарофатхон Аҳмедовалар Президентимиз ва ҳукуматимизнинг уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатаётган ғамхўрликларидан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Улар йиғилганларга жанг хотираларини сўзлаб берар эканлар, ҳозирги ёшларимизни келажаги буюк давлатимизнинг яратувчилари бўлишга даъват этишди.

Таассуротларга бой бўлган кеча сўнггида, вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитаси томонидан фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Маъруфжон ҒОЗИЕВ,
Ёшлар Иттифоқи
Вилоят қўмитаси котиби.

*Санъат*

# ТАНБУР ИШҚИ

- Сеҳрли куй оғушида.
- Тингланг, «Самарқанд ушшоғи»ни чалаяпти.
- Шаҳрисабзда ғолиб бўлишган

Мен ҳеч иккиланмай айта оламан — танбур менинг ишқим. Оҳангидан сел бўламан — бир кун эшитмасам ё чалмасам... қай ҳолга, қай кўйга тушишимни айтиб беролмайман. Сўз йўқ ўшандай ҳолат таърифига. Танбур, унинг оҳанги — менинг борлиғим.

Танбур бошқа ҳеч бир мусиқа асбобларига ўхшамайди. Танбурда куй чалинса, ашула айтилса — юрагингиз гапиради, куйлайди, сиз эмас. Бунга даъвогар ҳам бўлманг. Юрагингиз сезган, туйган туйғуни айтиб беролмайсиз.

Танбур, менимча, отабоболарнинг руҳи. Ана шу руҳ уни чалувчи кишига ҳар доим мадад бериб туради. Шунинг учун ҳам танбурнинг оҳангларида юракка таъсир қилувчи илоҳий куч бор деб биламан. Шунинг учун илоҳийки, гуё йўқ пардалардан куй чиқарасиз, уни сўзлатасиз. Шундан-да, уни чалиш мушкул: танбур оҳанги жуда нозик, майин. Бу нозиклик, майинликни ҳар бир кўнгил тушуна билмайди, шундан-да, истаса-да, танбурни ҳамма ҳам чалавермайди.

Эътибор берсангиз, экранларда тарихий обидаларимизни, миноралрни кўрсатаётганда, классик ғазалларимизни ифодали ўқишаётганда бошқа куй эмас, танбур оҳанглари таралиб туради.

Мен ҳеч унутолмайман: бир куни Турғун Алиматов «Самарқанд ушшоғи»ни танбурда чалганларида экранда фақат Самарқанднинг тарихий обидалари тасвири кўрсатилган. Бошқа куйни ўша вақтда бу ўринга қўя олмайсиз. Боғланиш бўлмагандай туюлаверади. Тўғрисини айтсам, мен Турғун Алиматов танбурда чаладиган куйларининг асириман.

Бир куни эшитиб қолдим: самарқандлик хонанда Абрам Толмасов кўчиб кетаётган эмиш деб. Шу куниёқ уйларига бордим. Чунки авваллари борганимда уларнинг уйлари деворида кишини ҳавасини келтирадиган танбур осиғлиқ турганди. Агар кетаётгани аниқ бўлса ана шу девордаги танбурни қолдириб кетишини илтимос қиламан, деб ўйладим. «Сотгин менга» дедим. У кўнмади. «Бобомдан эсдалик, сотолмайман» деди. Мени хафа бўлганимни кўриб, сето берди. Ўша кундан бошлаб сето қўлимдан тушмай қолди. Биласизми, ҳар гал танбурда қайсидир куйни чалсам; болалигим кўз олдимга келаверади. Оилада етти ўғил, бир қиз эдик. Тирикчилик, баъзан етишмовчилик ҳам бўлган бўлса керак шекилли, бир куни тахтага мих қоқиб, соз ясаганим ёдимда. Биласизми, ўша ҳолат қанчалик завқ берарди кишига. Ҳозир ҳамма нарса бўлса-да, барча шароитлар яратилган бўлса-да, болаларимиз ана шу завқни туйишмайди. «Қўлбола» торни чертиб, оғизда куй чиқарардим.

Дадам Камоллин ака жуда яхши ашула айтардилар. Ғазал ўқишни ёқтирардилар. Дадамнинг ашулаларини, ғазалларини тинглаб катта бўлганмиз. У киши чарчаб қолсалар, онамиз давом эттирардилар. Тилимиз қўшиқ билан чиққан. Ўша кунларнинг завқини бир умр унутолмасам керак. Шунинг таъсири бўлса керак, катта-катта йигит бўлиб, кўпчилигимиз санъатга меҳр қўйдик, шу йўлдан кетдик. Оилавий даста ташкил этдик.

Ёдимда, танбур чалишга қўлим анча келишиб қолган кунлари эди. Машрабнинг ғазалларини ўқиб ўтирсам, танбур ҳақидаги ғазалига кўзим тушиб қолди. Хиргойи қилиб кўрсам — танбур чалиб айтишга жуда мос.

Шу-шу танбур чертиб, қўшиқ айтишга одатландим. Мен эмас, юрак куйлагандай бўлади. Танбур ана шу кайфиятни келтириб чиқаради.

Одамнинг нималарга ишқи тушмайди дейсиз? Кўнгил нималарни ўзига эп кўрмайди. Кўнгилнинг айтганларига барибир қулоқ солгингиз келади. Ана шундай кўнгилга қулоқ солганлар Баҳодир Сирожиддинов каби эл назарига тушмай қолмайди. Зеро, ана шундай ишққа ҳамма ҳам мубтало бўлавермайди. Бу учун ана шундай ишққа мос инсон бўлмоқ керак.

Тайлоқ туманида яшовчи Сирожиддиновлар оиласига ҳамма ҳавас билан қарашади. Худо уларга қўшқўллаб талант берган ҳам дейишади. Бу бежиз эмас. Ўтган йили Шаҳрисабзда ўтказилган оилавий дасталарнинг республика танловида бу оиланинг ғолиб бўлганлиги тасодиф эмас.

Баҳодирни Самарқандда «Баҳодир танбурчи» дейишади. Танбурга тушган ишқингиз бир умрлик бўлсин.

Гули ЧЕҲРА,
«Туркистон» мухбири.

*Миллий спортимиз ҳақида ўйлар*

# ФАРҒОНАЧА УСЛУБДАГИ ОСИЁ КУРАШИ

**II — мақола**

Ўша вақтларда Тошкентнинг Бешёғоч даҳа, Чақир маҳалласида яшаган Аҳмад полвон Толиббой ўғлининг Ўрта Осиёда курашиб, йиқитмаган полвони қолмаган эди. Меҳмон Аҳмад полвоннинг доврўғини эшитиб, у билан курашмоққа жазм қилибди. «Ким йиқилса, ёнидан 50 сўм беради», деб гаров боғлашибди. Ўша куни, яъни 1895 йил 25 июнда циркка одам сиғмай кетган экан.

28 ёшли Аҳмад полвон эгнида оқ яхтак, белига белбоғ бойлаб ўртага чиқади. Бир оздан сўнг ичкаридан мушакларини ўйнатиб, савлат тўкиб Риппел чиқиб келади. Унинг белида тасма белбоғ ярқираб турарди. «Кимки йиқилиб, майиб бўлса, ўз гарданига» деган шарт ҳам қўйилади.

Икки забардаст полвон кураш тушаётганда циркда шундай сукунат ҳукм сурардики, пашша учса ҳам билинарди. Фақат онда-сонда полвонларнинг «иҳ-иҳ» деб қўйган товушлари эшитилиб қоларди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас Аҳмад полвоннинг «Ё раббим» деган нидоси янграйди. Шу дам ер ларзага келгандек туюлади. Чархпалак бўлиб тушган Риппел ерда узала ётарди. Қарсак, қийчув циркни гумбирлатиб юборади.

Тарихдан бизга маълумки, Чор Россияси Туркистонни забт этгандан сўнг Туркистон губернатори йиғин, сайиллар ўтказишни қатъий таъқиқлаган. Чунки у маҳаллий халқнинг қўзғолон кўтаришидан чўчирди. Лекин барибир таъқиқлашларга қарамай курашлар бўлиб турарди.

Октябрь инқилобидан сўнг ҳам Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан ва қўшни республикалардан машҳур полвонлар етишиб чиқди. Жумладан, Аҳмад полвоннинг шогирди тошкентлик Тожи полвон Алоев, Асқар полвон Отабоев, Маҳкам полвон Юсупов, Зуҳр полвон Яҳёев, фарғонадан Хўжа полвон, Ямин полвон, Матёқуб полвон, Аблазиз полвон, Қўшоқ полвон, Аъзам полвон Раҳимов, Ҳамид полвон, Тўраназар полвон, Мамажон полвон Юсупов, Андижондан Али полвон Мирзакаримов, Мулла Ўсар полвон Ботиров, Ҳайит полвон Тожибоев, Умар полвон, Карим полвон Муллабоев, наманганданан Қоратой полвон Юсупов, Эргаш полвон Йўлдошев, Сотиболди полвон Шералиев, Уш вилоятининг Навкат туманидан машҳур Деҳқон полвон, Чимкент вилоятининг Сайрамидан Шониёз полвон, Хўжанддан Наби полвон, Эшон полвонлар ўз даврида сайил, тўй, давлат мусобақаларида кўп маротаба ғолиб чиққан.

Иттифоқ даврида ҳам миллий курашни ривожлантириш тўғрисида республикада бир неча қарорлар қабул қилинди (24-1-1969 йил, 11. XII — 1970 йил, 18.VIII — 1972 йил ва 25.II — 1977 йил) ва бу спорт турининг ривожида катта роль ўйнади.

Республика спорт қўмитаси 1970 йил 19 июнда миллий кураш бўйича «Ўзбекистон спорт мастери» унвонини таъсис этди ва янги спорт классификациясини ишлаб чиқди.

Бу ўз-ўзидан ҳамма спорт турлари қатори миллий кураш турига ҳам тенг ҳуқуқли имтиёзни берди. Шундан сўнг Фарғонада миллий кураш мусобақаларига республикада эътибор янада кучайди. 1972 йили Ўзбекистон миллий кураш федерациясининг тавсияси билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз» деган унвон таъсис этилди. Бу ҳам ўз навбатида мураббийларнинг ўз устида кўпроқ ишлашига сабаб бўлди. 1979 йили миллий кураш бўйича фахрий спорт мастери Низоми тасдиқланди.

1970 — 85 йиллар Фарғонача миллий курашнинг энг ривожланган даври бўлди. Мана шу қисқа вақт ичида республикамиздан кўплаб истеъдодли курашчилар етишиб чиқди.

Фарғона вилояти полвонлари жуда кўп маротаба республика биринчилигида жамоа ҳисобида ғолиб бўлишган. Булардан бири республика спортчилари ўртасида марҳум Рустам Тожиевдир. У қисқа умри давомида ажойиб ғалабаларга эришди. Новчадан келган савлатли полвон 105 — 120 кг, оғирликларда курашиб, 11 маротаба республика чемпиони, 5 маротаба Ўзбекистон мутлоқ ғолиби, 2 маротаба Ўрта Осиё ҳамда эркин кураш бўйича халқаро турнир ғолиби бўлди.

Рустам полвон Тожиев нафақат курашда, ҳатто тош кўтаришда халқни лол қолдирган инсон эди. Унинг касби асли ўқитувчи бўлиб, математикадан дарс берарди. Ҳозирги кунда Боғдод туманида полвон хотирасига бағишлаб Фарғонача кураш бўйича халқаро турнир ўтказилиб туриладди.

Фарғоналик курашчилардан яна бири Жалил Эҳсоновдир. У республиканинг бир неча маротаба ғолиби бўлган ва ажойиб усуллар яратиб халқнинг меҳрини қозонган.

Аҳмад Тўрақулов ҳам оғир вазнда тўрт маротаба республика мутлоқ ғолиби бўлган. Шунга ўхшаш республиканинг кўп маротаба ғолиби бўлган курашчилар: Маъмур Сатторов, Баҳриддин Қўлдошев, Замзам Улмасов, Алишер Хўжаев, Мақсуд Холматов, Маҳаммад Мамажонов, Маҳаммад Исмоилов, Бахтиёр Маматов, Турсунали Қўқонбоев, Бахтиёр Қўлдошов, Валижон Салиев ва ака-ука Қамбаровлардир.

Полвонларни тайёрлашда Боғдод тумани Пахтакор кўнгилли спорт жамияти директори Бахтиёр Ҳайдаров, Зайнаб Мамажонов ва Бурхон Олимовларнинг хизматлари катта.

Андижон вилоятидан Раим Деҳқонов, Камолиддин Нуриддинов, Комилжон Иброҳимов, Нурмамат Исоқов, Эркин Турсунов, Равшан Исоқов, Намангандан Неъмат Туйчиев, Алишер Латипов, Алишер Абдураҳмонов, Аҳмад Баҳромов, Сирдарё вилоятидан оғир вазнда уч карра спартакиада ғолиби Карим Бурхонов, Худойберди Эгамбердиев, Жума полвон, Жиззах вилоятидан Шокир Қурбонов, Тошкент вилоятидан ўзининг ажойиб кураши билан биринчилардан бўлиб спорт устаси талабини бажарган Эркин Мусаев, Султон Омонов, Музаффар Аҳроров, Тоҳир Беков, Тўлқин Бўриев, Шерали Турсунов, Қамариддин Турсунов, Акмал Азимов, Рустам Икромов.

Тошкент шаҳридан Аъзамжон Шокиржонов, Абдуҳалил Маликов, Шавкат Мирзақулов, Туҳфат Одилов ва марҳум Карим Маликовларнинг курашни ривожлантиришдаги хизматлари беҳад каттадир.

Бугун машҳур полвонларнинг кўпчилиги орамизда йўқ. Шулардан бири ўшлик Деҳқон полвондир.

Қирғизистоннинг Ўш вилояти Навкат қишлоғида туғилган Деҳқон полвон, сайилларда, тўйларда, йиғинларда кўп маротаба зафар қучган. Полвоннинг ташаббуси билан Марғилонда йўқолиб кетган катта кураш сайли Навкатга кўчган.

Деҳқон полвон кўпларга устозлик қилди. Тўппонча полвон, Махсим полвон, Абдураҳмон полвонлар шулар жумласидандир. Абдураҳмон полвон нафақат Қирғизистонда, ҳатто Ўрта Осиёда ҳам машҳур бўлган.

Ўрта бўйли, вазни 85 кг, келадиган Абдураҳмон эл оғзига тез тушди. Абдураҳмоннинг курашини кўраман, деб кексаю ёш ишқибозлар Ўшдан, Жалолободдан, Хўжанддан, Марғилондан, Қўқондан, Андижондан, Тошкентдан, Намангандан, Сирдарёдан Навкатга селдай оқиб келишар эди. Ҳақиқатан ҳам Навкат боғида 10 — 15 минг одам йиғилиб, Абдураҳмоннинг курашини интизорлик билан кутиб туришарди. Даврага 25 — 30 ёшлар чамасидаги Абдураҳмон полвон кириб келганда, билмаганлар «Абдураҳмон деганлари шуми, буни фалончи полвон сиқиб ташлайди, вазни кичикроқ экан», дейишарди.

Носир АЗИЗОВ

*Газета саҳифаланаётганда*

# «МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ» ЧОРЛАЙДИ.

Қори Ниёзий номидаги 2-ўрта мактаб билан А. Навоий номидаги Маданият уйи ходимлари кўпгина тадбирларни ҳамкорликда ўтказишади. «Балли йигитлар» ва «Иқбол» қизлар конкурслари шулар жумласидандир. Шундай тадбирлардан яна бири эса «Мўъжизалар майдони» ўйинидир. Бу ўйинни Узун тумани меҳнаткашлари ҳамда қўшни туман мактабларидан келган меҳмонлар катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Унга ҳомийлик қилишни эса тумандаги «Чорчинор» кичик корхонаси ўз бўйнига олди. Айрим ишбилармон кишиларимиз ҳам қўлларидан келганча ҳомийлик қилишяпти. Ўйин қоидаси худди телевидениядагидек бўлади, лекин бунда иштирок этувчилар турли ёшга муносиб бўлишлари мумкин. Иштирок этувчилар чипталарига қараб бахтлари чопса ўйинга қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Чипталар арзон баҳода, шунинг учун бу тадбирнинг қатнашчилари ҳам кўп. Маданият уйи қошидаги Ҳуррам Рўзиев бошчилигидаги ашула ва рақс гуруҳи чиқишлари тадбирни мазмунли ва янада кўнгилли ўтказишни таъминлаяпти.

Ҳикматуллоҳ ҚОДИР,
Сурхондарё вилояти, Узун шаҳри.

КЕЛГУСИ СОНДА:
- ДЎСТЛИКДАГИ ХУШ ОНЛАР
- ШАҲРИ КЕШ УСТИДА ОЙ

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон
TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан «Ёш ленинчи» номи билан чиқа бошлаган

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-84; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —— 0106
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

22006 нусхада босилди, ҳажми —— 2 табоқ.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00

1 2 3 4 5 6